Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил 12 август ШАНБА

№ 66 (13014)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ҲУДУДЛАРНИНГ ЖАДАЛ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР УСТУВОР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қисқа давр мобайнида мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида аҳоли учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, шунингдек, ислоҳотларни амалга оширишда фуқароларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор муҳим давлат ва ҳудудий дастурлар, қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Сенаторлар ва депутатлар корпуси, фуқаролар йиғинлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларини кенг жалб этган ҳолда, жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳволини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, халқ билан бевосита мулоқотнинг сифат жиҳатдан янги ва самарали шаклларини жорий этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларнинг натижалари мазкур дастурлар ҳамда ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалий рўёбга чиқариш доирасида қабул қилинган 20 дан ортиқ қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 180 дан ортиқ фармонлари ва 450 дан ортиқ қарорларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш ҳозирги босқичда кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишини ташкил этиш ва фаолиятини баҳолашнинг амалдаги тизими олдимизга қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилишга имкон бермаяпти. Хусусан,

**биринчидан,** ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти марказий органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг даражаси ҳудудларда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича уйғун фаолиятни таъминламайди. Аксарият ҳолларда уларнинг фаолияти бир марталик хусусиятга эга, алоҳида топшириқларни бажаришдан иборат бўлиб қолган. Бунинг устига, жойларда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш бўйича лозим даражада ташаббус кўрсатилмаяпти;

**иккинчидан,** ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳудудларга хизмат сафарларини самарали мувофиқлаштиришнинг мавжуд эмаслиги амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг такрорланишига олиб келмоқда, оқибатда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини асосий функционал мажбуриятларини бажаришдан чалғитмоқда;

**учинчидан,** ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнини баҳолаш амалиёти жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳволини танқидий таҳлил қилишга асосланмаган, энг асосийси, эришилган иқтисодий кўрсаткичлар аҳолининг ҳаёт сифатига қай даражада ижобий таъсир этаётганлигига қатъий баҳо берилмаяпти. Республика давлат органларининг ҳудудлардан ажралиб қолганлиги ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш даражаси ва талаб-эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, асослантирилган ва ҳар томонлама пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш имконини бермаяпти;

Давоми 2-бетда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти бўлган оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, фуқароларимизнинг ахборот олиш, ўз фикрини эркин ифода этиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда, ҳозирги шиддатли ахборот замонида мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга тегишли ижодий-услубий ёрдам ва кўмак бериш, журналистларнинг профессионал малакасини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш борасида бир қатор долзарб муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.

Бу йўналишда авваламбор Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини тубдан такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, газета-журналлар, телерадиоканаллар, ахборот агентликлари ва Интернет нашрларида меҳнат қилаётган муаллифларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, журналист кадрларнинг профессионал маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасини сақлаш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, шунингдек, Уюшманинг ва Уюшмага қарашли бўлган Республика Миллий матбуот марказининг моддий-техника базасини ривожлантиришни молиялаштириш манбаси этиб Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фонди (кейинги ўринларда "Илҳом" жамоат фонди деб юритилади) маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан "Илҳом" жамоат фондига ажратиладиган бюджет маблағлари (субсидия) ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уюшмани Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ислом Каримов кўчаси, 16-А уйга жойлаштирилишини таъминласин.

3. "Ўзавтосаноат" акциядорлик компаниясининг Уюшмага хайрия асосида 1 та "Дамас" русумли автомашинасини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Уюшма билан биргаликда эҳтиёжманд ва фаол журналистларни имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жой ёки ер участкалари билан таъминлаш ишларини белгиланган тартибда йўлга қўйсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. М. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 10 август

## МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ЮКСАЛИШИДА МУҲИМ ҚАДАМ

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев 11 август куни Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрига ташриф буюрди.***

Давлатимиз раҳбари "Олмалиқ кон-металлургия комбинати ривожланишининг иккинчи босқичи" лойиҳаси бўйича ишлар бошланишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати мамлакатимизнинг рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналаридан ҳисобланади. Мазкур инвестициявий лойиҳа икки босқичда амалга оширилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали унинг рақобатбардошлигини ошириш асосий устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Жорий йилнинг март ойида Президентимиз томонидан Олмалиқ кон-металлургия комбинатини 2030 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастури тасдиқланди. Дастур доирасида мис ишлаб чиқаришни 1,4 баробар, қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни 33 фоизга ошириш белгиланган.

Лойиҳани ўзлаштириш жараёнида битта темир йўлни янги жойга ўтказиш, иккита янги темир йўл қуриш, автомобиль йўллари барпо этиш кўзда тутилган. Узунлиги 1,4 километрлик туннель ва 3,1 километр конвейер йўли қурилади, ишлаб чиқариш, транспорт, энергетика ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилади. Янги мис-бойитиш комплекси, мисни электролиз қилиш, олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш цехлари ва бошқа инфратузилма объектлари қурилади.

Лойиҳа 2028 йилда тўлиқ қувватда ишга туширилади. Натижада 10 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланади. Бундан ташқари, ёш мутахассислар учун 2017-2021 йилларда 400 оилага мўлжалланган 9 янги кўп қаватли уй, мактабгача таълим муассасаси ва 240 ўринли 2 ётоқхона барпо этилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 50 фоизи экспортга чиқарилади.

Маросимда Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Юртимиз ер ости бойликларига бой, лекин биз ундан унумли фойдалана олмаяпмиз, деди Президентимиз. Биз геология соҳасини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратмадик. Энди бу йўналишдаги ишларни тубдан яхшилаймиз ва соҳани такомиллаштирамиз.

Кечаги кун билан яшаш вақти ўтди. Бугун замон ўзгармоқда, биз ҳам шу шиддатга мос равишда ўзгаришимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳани кадрлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бугун мазкур тармоқда ишлаётган ёшлар кўплигини инобатга олиб, янги очилган конга "Ёшлик", деб ном беришни таклиф қилди.

Мажмуага тантанали равишда тамал тоши қўйилди.

Тадбирда комбинат фаоллари ва ёшлар сўзга чиқиб, ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга ошираётган эзгу ишлари учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Олмалиқ шаҳрининг бош режаси асосида амалга оширилиши режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари билан танишди.

Олмалиқ мамлакатимизнинг саноати ривожланган йирик шаҳарларидан бири. Ҳудудда янги конларнинг ўзлаштирилиши, аҳоли сонининг ўсиб бориши шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тақозо этмоқда. 2035 йилгача мўлжалланган бош режага кўра, Олмалиқнинг маъмурий ҳудуди 2 минг 600 гектардан 3,5 минг гектарга етказилади. Саноат ҳудуди шаҳар марказидан олиб чиқилиб, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолига қулай уй-жойлар барпо этиш кўзда тутилган.

Имтиёзли ипотека кредити асосида бериладиган етти қаватли ўнта уй Ибн Сино кўчасида бунёд этилмоқда. Ҳар бири 42 хонадонга мўлжалланган ушбу уйларнинг дастлабки иккитаси қуриб битказилиш арафасида. Мазкур уйларда аҳолига яшаш учун барча қулайликлар яратилган.

Лойиҳага кўра, бу ерда гипермаркет, мактабгача таълим муассасаси, маданият ва истироҳат боғи ҳам қурилади. Бу аҳоли фаровонлигини юксалтириш, хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини ҳисобга олиб, тўққиз қаватли уйлар барпо этишни таклиф этди.

Янги уйлар Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида шаҳар аҳлига муносиб туҳфа бўлади, деди Президентимиз. Уйлар қурилиши йилдан-йилга кенгайиб боради. Келгусида бу ерда барча қулайликларга эга замонавий микрорайон қад ростлайди, халқимиз ҳам биздан рози бўлади.

Олмалиқ шаҳридаги "Ойдин" деҳқон бозори ва буюм бозорининг бугунги ҳолати, хизмат кўрсатиш даражаси талабга жавоб бермай қолган. Шу боис, ушбу бозорларни капитал реконструкция қилиш, қўшимча бино ва савдо нуқталари барпо этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳада деҳқон бозоридаги турғун савдо нуқталарини тартибга келтириб, буюм бозори учун 450 ўринли павильонлар, замонавий автотураргоҳ барпо этиш режалаштирилган.

Президентимиз ушбу бозорларда сотувчи ва харидорларга яратиладиган шарт-шароитлар билан қизиқди. Иншоотларни замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда, қисқа муддатда сифатли барпо этиш, қўшимча қулайликлар яратиш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, жойларда замонавий шифохоналар барпо этиш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Олмалиқ шаҳар болалар шифохонаси реконструкцияси шу ишларнинг узвий давоми бўлиб, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга ўз вақтида ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда кенг имконият яратади.

Ушбу муассаса биносида кўп тармоқли марказий поликлиника, тез тиббий ёрдам, юқумли касалликлар, қон қуйиш бўлимлари, бошқа бўлинмалар жойлашади. Даволаш-профилактика муассасалари марказлашиши натижасида бўшаган биноларда янги оилавий поликлиникалар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолига бирламчи тиббий ёрдамни яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шифохона биносини шу йил охиригача ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари шифохонани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, бунинг учун зарур маблағлар ажратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Президентимизга замонавий типдаги шаҳар ФХДЁ бўлимининг янги биноси қурилиши лойиҳаси намойиш этилди. Бобур номидаги маҳалла ҳудудида барпо этиладиган ушбу бинода ФХДЁ бўлими, нотариал идора ва "ягона дарча" маркази фаолият кўрсатади. Бу типдаги ФХДЁ биноси илк бор лойиҳалаштирилган бўлиб, адлия идораларининг бир жойда жойлашуви аҳолига сифатли юридик хизматлар кўрсатиш имконини беради.

Давоми 3-бетда.

Эртага – Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни

*Мамлакатимизни янада тараққий эттириш, аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, уларни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантириш ҳамда ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларда қурувчилар меҳнати салмоқли ўрин тутади. Ўтган 26 йил давомида шаҳар ва қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада, тубдан ўзгарди. Айниқса, янги лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар ҳудудларга янада чирой бахш этаётир.*



*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

## ТИНЧ-ОСОЙИШТА ЮРТДА БУНЁДКОРЛИК БЎЛАДИ

Жойларда қад кўтараётган ана шундай тураржойлар, бири иккинчисини такрорламайдиган бино ва иншоотлар, йўл ва йўл ўтказгичлар бунёдкори – қурувчилар меҳнатини қадрлаш, соҳа ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги пайтларда мазкур соҳани жадал ривожлантириш, қурилишда янги технологиялар ва энергия тежамкор материалларни қўллаш, қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар соҳа ривожининг янги даврини бошлаб берди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан, жорий йилдан эътиборан, август ойининг иккинчи якшанбаси "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни" сифатида кенг нишонланади.

Айни кунда юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам қурувчилар касб байрамини муносиб кутиб олишга алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда. Зеро, шаҳар ва туманларимизда маданий-маиший иншоотлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, уй-жойлар, ишлаб чиқариш объектлари, кенг ва равон йўллар қуриш ва таъмирлаш ишларига улуш қўшаётганларга алоҳида эътибор қаратиш, рағбатлантириш, соҳа вакилларини бекиёс руҳлантиради.

Давоми 3-бетда.

## МУКОФОТ МУБОРАК, АҲМАДАЛИ АКА!

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Унга кўра, мамлакатимиз қурилиш соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, мустақиллик йилларида республикамизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, қурилиш индустрияси ва миллий меъморчиликни ривожлантириш, тизимга илғор технологияларни жорий этиш ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, соҳага оид давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан мукофотланди.

Улар орасида Чиноз туманидаги "33-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна" масъулияти чекланган жамияти раиси Аҳмадали Худайберганов ҳам бор. Вилоятимиз вакили "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қабул қилинаётган ҳужжатлар ва дастурларнинг, айниқса, қуйи поғонада сўзсиз амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган.

Мазкур ҳужжат ижроия ва вакиллик ҳокимияти органларининг аҳоли дуч келаётган мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга ўз вақтида барҳам бериш ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини доимий ва манзилли ўрганиш борасида ҳамкорликда олиб бориладиган тизимли фаолиятини ташкил этишни назарда тутади.

Қарор билан Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳокимликларнинг қатор таклифлари маъқулланди. Жумладан, жойларда ишни ташкил этишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлишни назарда тутадиган мутлақо янги тизим жорий этилади.

Мамлакатимиздаги 14 та ҳудуднинг ҳар бирига Бош вазир ва унинг ўринбосарлари бириктирилади. Бунда улар томонидан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолаётган 69 та туман ва шаҳарларнинг жадал ривожланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладилар. Улар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тизимли ишларни бажарадилар.

Секторлар иши **"маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика"** тамойилига асосан амалга оширилади. Бунда асосий ишлар энг қуйи бўғин – **маҳалла**да бажарилиши зарур, яъни ҳар чоракда истисносиз барча уй хўжаликлари ва объектларга бирма-бир кирилиб, аҳоли билан бевосита мулоқот қилинади.

Маҳаллада аниқланган муаммолар бевосита жойида бартараф этилади. Жойида ҳал этишнинг иложи бўлмаган камчилик ва муаммолар эса сектор, туман (шаҳар) ва ҳудуд кесимида "йўл хариталари"-га киритилади.

Ҳукумат микёсида давлат, ҳудудий, шу жумладан, инвестиция дастурларини тасдиқлаш ва амалга ошириш, жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича чоралар кўрилади.

Бу билан маҳаллалардаги муаммолар ва уларни ҳал этиш механизмлари ўртасида республика даражасигача узлуксиз алоқа ўрнатилади.

Жойлардаги муаммоларни ҳал этишда ўзида муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини батафсил ва мукаммал қамраб оладиган "йўл хариталари" муҳим ўрин тутади. "Йўл хариталари" секторлар томонидан бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар чоракда тегишли ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини инобатга олган ҳолда шакллантирилади ва амалга оширилади.

Шунингдек, мавжуд камчилик ва муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишда, ҳудудларнинг ривожланиш жараёнига таъсир этиш ва сектор раҳбарларининг масъулиятини оширишда жорий этилаётган **халқ депутатлари Кенгашлари сессияларидаги ҳисоботлар тизими** марказий ўринни эгаллайди. Ҳар чоракда бўлиб ўтадиган сектор раҳбарларининг ҳисоботлари эшитувида ҳудудларга бириктирилган Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, парламент аъзолари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этадилар.

Давлат раҳбари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига секторлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш тавсия этилмоқда:

– тегишли даврда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини танқидий баҳолаш;

– аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, ёшларни ташвишга солаётган долзарб муаммоларни, шунингдек, ҳудуднинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган мавжуд камчиликларни аниқлаш;

– ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва давлат, ҳудудий, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларига киритиш учун таклифларни муҳокама қилиш.

Ҳисоботларни эшитишга ҳудудларни ривожлантириш жараёнига таъсир кўрсатишнинг, шунингдек, сектор раҳбарлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахслари масъулиятини оширишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида қаралади.

Бундан ташқари, қарор билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чораларнинг амалга оширилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида ҳар чораклик ҳисобот бериш тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Янги тизимни жорий этиш бўйича ишларнинг асосий йўналишлари мазкур ҳужжат билан тасдиқланаётган Низом билан тартибга солинади. Унда янги тизимда ишлашнинг самарали шакл ва услублари, давлат идоралари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, сектор раҳбарларининг ваколатлари, жавобгарлик чоралари, ҳисобдорлиги ва уларнинг фаолиятини баҳолаш тартиби, шунингдек, ҳисобот ҳужжати сифатида марказлаштирилган тартибда тарқатиладиган сектор раҳбарларининг уйма-уй юриш дафтарини юритиши кўзда тутилган.

Маҳаллий даражадаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга бўлган ёндашувнинг бутунлай ўзгараётганлигини инобатга олиб, **Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини сарҳисоб қилишнинг янгиланган концепцияси** жорий этилмоқда.

Якунларни сарҳисоб қилишда, биринчи навбатда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари манфаатлари инобатга олинади, энг муҳими, ҳисобот даврида эришилган макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳар бир инсон ҳаётининг сифат даражасида амалда намоён бўлаётган ижобий ўзгаришлар билан узвий боғланади.

Давлат раҳбари томонидан асоссиз, самараси паст, амалий аҳамиятга эга бўлмаган, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига кераксиз маъмурий иш ҳажмини оширадиган ва уларга юклатилган вазифаларни бажаришдан чалғитадиган идоралараро йиғилишларни ўтказиш қатъий тақиқланди. Бош прокуратурага белгиланган талабларнинг қатъий бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш вазифаси юклатилди.

Давлат бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ўрганиш ҳудудларга бириктирилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан, қоида тариқасида, бир йўла комплекс ўрганиш (3-4 кун давомида) орқали мувофиқлаштирилиши белгилаб қўйилди. Бунда ҳудудларга бириктирилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари иш вақтининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган муддатини жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳволини, шу жумладан, аҳоли билан мулоқот қилиш орқали ўрганишга ажратади.

Сектор раҳбарлари ва давлат бошқарув органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш чораларига ҳамда уларнинг фаолиятига тизимли баҳо бериб боришга алоҳида аҳамият қаратилди. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чоракда алоҳида ўрнак кўрсатган сектор раҳбарлари, давлат органларининг мансабдор шахслари ва ходимларини рағбатлантириш ёки йўл қўйган жиддий камчиликлар учун уларни жавобгарликка тортишдан то лавозимидан озод этишгача бўлган чораларни кўриш бўйича таклифлар киритиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида ушбу соҳани тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, жумладан, мазкур қарорни ҳаётга татбиқ этиш натижалари таҳлилига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилмаси, вазифалари, функция ва ваколатларини оптималлаштириш бўйича қатор топшириқлар мавжуд.

Қарорда, шунингдек, танқидий таҳлил асосида Республика ва маҳаллий бюджет маблағларини шакллантириш ва тақсимлаш, инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали ҳамда шаффоф механизмларини жорий этиш зарурияти таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори давлат органлари ишини ташкил этишнинг, энг аввало, ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек, муҳим давлат ва ҳудудий дастурларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига имкон берувчи замонавий янги тизимнинг жорий этилишини таъминлайди. Энг асосийси, қабул қилинган қарор мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган.

Бошланиши 2-бетда.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛМАЛИҚ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

*Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда ташкилий масала кўрилди.*

Шаҳар ҳокими Б. Маннопов ишда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун шаҳар ҳокими лавозимидан озод этилди.

Депутатлар Мираъзам Мирозодович Мирқосимовни Олмалиқ шаҳар ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов ҳамда вилоят ҳокими Ш. Бобоев иштирок этди.

## Сайёр қабул

*Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчиси Шерзод Шерматов Зангиота туманида сайёр қабул ўтказди. Унда туман ҳокими Абдуваҳоб Тамекаев, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директори Шуҳрат Қодиров ҳамда соҳанинг масъул ходимлари иштирок этишди.*

## ЗАНГИОТАЛИКЛАР, АЛОҚА ҚАНДАЙ?



Учрашув зангиоталиклар учун яхши хабар билан бошланди. Вазир туман телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ режалар хусусида тўхталиб, айни пайтда Зангиота аҳолиси учун уй телефонидан Тошкент шаҳрига кодсиз чиқиш имконияти яратилганини билдирди.

Ҳозирда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Тошкент филиали тумандаги 117 та қишлоқ аҳоли пунктининг 61 тасида, 210 дан ортиқ идора ва ташкилотда ҳамда 60 дан ортиқ маҳаллада телекоммуникация хизматини кўрсатмоқда. 2017 йил мобайнида вилоят аҳолисидан вазирликка келиб тушган 440 дан зиёд мурожаатнинг 66 таси мазкур тумандан юборилган. Учрашувда аҳоли вакиллари ўзларини ўйлантирган ва қийнаётган масалалар, АКТ соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, хизматларни яхшилаш бўйича тавсия ҳамда таклифларини айтишди.

Жумладан, "Токзор" маҳалласи раиси Раҳмат Маҳмудов маҳалла ҳудудида янги қурилган 245 та хонадонни шаҳар телефонлари билан таъминлашида амалий ёрдам сўради.

Туркистон қишлоғида 12 та маҳалла бўлиб, аҳоли "Иттифоқ" тармоқ станциясидан фойдаланади. Лекин алоқадан фойдаланишда узилишлар мавжудлиги билдирилди. Туман телекоммуникация бошқармаси раҳбарияти шу кунларда янги авлод телефон станциялари ишга туширилишини маълум қилди.

Назарбек қишлоғи "Алоқа" маҳалласи фуқароси Анвар Аҳмаджонов эса ҳудуддаги мавжуд тармоқларнинг яроқсиз ҳолатга келганлиги, бу эса алоқа ва интернет хизматларининг сифатига таъсир қилаётганини айтиб, амалий ёрдам сўради.

Шунингдек, Эшонгузар қўрғонидаги "Дўстлик" маҳалласи раиси Наримон Ҳожибоев телефон алоқаси осма симлари эскиргани, уларнинг тез-тез узилиши оқибатида хизматлар ўчишига олиб келаётгани ҳамда айрим кўчалардаги янги симларни тартибсиз жойлаштирилгани бўйича мурожаат қилди.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, алоқа инспекциясининг туман бўлинмасига мазкур масалаларни ўрганиб, зарур тадбирларни амалга ошириш ҳамда камчиликлар юзасидан тегишли масъул шахсларга чоралар қўллаш вазифаси юклатилди.

Сайёр қабул қизғин муҳокама ва мулоқотга бой бўлди. Туман ҳокими вазирлик билан ҳамкорликда 85 та маҳаллани ўзаро боғлайдиган ягона маълумотлар тизимини ишлаб чиқиш ташаббусини ўртага ташлади. Вазирликнинг "Маҳалла" тарифи тизимини тажриба сифатида ишга тушириш таклифи аҳоли томонидан ижобий қабул қилинди.

Тадбир якунида туман аҳолиси 200-41-07 ишонч телефони рақами, шунингдек, вазирликнинг интернет тармоғидаги murojaat.mitc.uz виртуал қабулхонасига мурожаат қилиши мумкинлиги қайд этилди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ЮКСАЛИШИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Ҳаётда инсон турли масалалар билан ҳар хил идораларга мурожаат қилишига тўғри келади, деди Шавкат Мирзиёев. Никоҳдан ўтаётган ёшлар, ҳуқуқий масалалар бўйича келган аҳоли ва тадбиркорларга бир жойда ёрдам бериш хизмат кўрсатиш сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш имконини яратади. Янги лойиҳага кўра, бундай хизматлар кўрсатадиган идоралар бир масканда жойлашади. Никоҳни қайд этиш билан бирга, тўй маросимларини ҳам шу масканларда ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Шундай қилсак, ҳам ФҲДЁ бўлими ишлайди, ҳам тартиб-интизом бўлади, тўйларимизни маданиятли, маърифатли қилиб ўтказишга эришамиз. Бунинг учун ушбу лойиҳани янада такомиллаштириш, қурилиш ишларида ҳар бир ҳудуднинг иқлими, ўзига хос шароитини ҳисобга олиш зарур.

Шу ерда Олмалиқ шаҳар оқова сувларни тозалаш иншоотини реконструкция қилиш лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Олмалиқ шаҳри марказидаги 5/2 массивида қурилаётган 7 қаватли, 2 ва 3 хонали тураржой биноларини бориб кўрди. Ўн беш йилга имтиёзли ипотека кредити асосида бериладиган мазкур уй-жойларда айни пайтда қурилиш ишлари якунига етказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур уйларда яратилган шароитлар билан танишди. Мутасаддиларга қурилиш ишларини сифатли бажариш, иншоотларни ўз вақтида қуриб битказиш ва топшириш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Олмалиқ шаҳри аҳолиси билан мулоқот қилди. Самимий ва очиқ ўтган суҳбатда шаҳар фаоллари ва ёшлар давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, турли долзарб масала ва муаммолар тезкорлик билан ҳал этилаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мисни эритиш фабрикаси ва махсус цехида бўлиб, иш жараёнини кўздан кечирди.

Шундан сўнг комбинатнинг мажлислар залида шаҳар ёшлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Олмалиқ шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш масалалари муҳокама қилинди.

**ЎзА.**

Бошланиши 1-бетда.

## Тадорик

*Яна саноқли кунлардан кейин ёзги таътил тугаб, умумтаълим мактабларида янги ўқув йили бошланишидан дарак берувчи илк қўнғироқлар чалина бошлайди. Айни дамда ота-оналар фарзандларига мактаб учун бозор қилиш ҳаракатида. Мактабларда эса ўқувчиларни қабул қилишга тайёргарлик авжида.*



## БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ЯҚИН

Тошкент туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби 1 минг 141 нафар ўқувчини ўз бағрига олишга тайёр. Бу йил 156 нафар ўғил-қиз 1-синфга қабул қилинади. 2 сменали мактабда 56 нафар ўқитувчи ўғил-қизларга таълим беришади.

– Ўқув йили бошланишидан аввал ўқувчилар қандай ҳаяжонланса, биз, педагогларда ҳам шундай ҳолат бўлади, – дейди мактаб раҳбари Д. Бердиқулова. – Мана, яқинда синфхоналаримизда дарслар бошланиб, мактабимиз яна гавжум бўлади. Янги режалар, янги мақсадлар билан ўқув йилини бошлашга шаймиз.

Бу йил 113 нафар ўқувчи 9-синфни битирган бўлса, шундан 78 нафари касб-ҳунар коллежларида, 35 нафари эса шу ерда ўқишни давом эттириш истагини билдирган.

Яқинда мактабнинг ташқи ва ички фасадлари, синфхоналари, йўлаклар таъмирланди. Спорт ва бадиий гимнастика заллари ҳам тартибга келтирилди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

## ТИНЧ-ОСОЙИШТА ЮРТДА БУНЁДКОРЛИК БЎЛАДИ

Чиноз туманидаги "33-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна" МЧЖ қурувчилари фаолияти билан танишиш асносида кўнгилдан шу гаплар ўтди. Ўтган вақт мобайнида вилоятимиз ҳудудида бир қатор бино ва иншоотларни қуриб, вақтида фойдаланишга топширган ушбу корхонага Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Аҳмадали Худайберганов раҳбарлик қилади. Нафақат иш суръатига, балки сифатига ҳам алоҳида аҳамият берадиган бу инсон жамоаси иштирокида қурилган иншоотлар кўзни қувонтиради.

Бошланиши 1-бетда.



– Берилаётган алоҳида эътибор, меҳнатимиз қадрланаётгани куч-ғайрат бағишлаётир, – дейди А. Худайберганов. – Давлатимиз раҳбари биз, қурувчилар олдига ҳам ниҳоятда долзарб вазифаларни қўймоқда. Шу билан бирга қўллаб-қувватлаётир. Соҳамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар иш сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳолига қулайлик яратиш каби эзгу мақсадларга қаратилган.

Таъкидлаш жоиз, айни ёз мавсумида биз тилга олган жамоа қурувчилари иши ҳам жадаллашган. Улар Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида Тўйтепа шаҳрида бир нечта объектларни, Чиноз туманида барпо этилаётган 2 сотихли ўнта 3 хонали уйни эгаларига топшириш ниятида.

Корхона бош муҳандиси Тўра Миралиевнинг айтишича, шу кунларда ушбу объектларда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шу ерда гапни мухтасар қилганимиз дуруст. Бинобарин, эл-улуснинг корига ярашни саодат, деб билган, шашти баланд Аҳмадали ака мақтовни унча хушламайди. Ўзининг заргарона иши, ҳалол меҳнати билан одамларни рози қилгиси келади, холос.

**Орзиқул МАЪМИРОВ.**
*Даврон АҲМАД олган сурат.*

## Ҳаракат хавфсизлиги кунлари

## "ЮЗ"ДА ЮРМАНГ, ЮЗГА КИРИНГ...





**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида вилоятимиз ҳудудида шу йил 1 августдан 15 августгача "Ҳаракат хавфсизлиги ўн беш кунлиги" ўтказилмоқда.**

Вилоят ҳокимининг тегишли фармойишига биноан ташкил этилган ушбу тадбир давомида болалар ҳаракати серқатнов йўллар ва жойларни белгилаш, автомобилларнинг техник созлигини таъминлаш, ҳайдовчилар тайёрлаш мактабларида ўқитиш ишларини янада яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Айни кунгача "Ҳаракат хавфсизлиги ўн беш кунлиги" тадбирлари доирасида меҳнат жамоаларида 860, маҳаллаларда 932, аҳоли гавжум жойларда икки юз ўн тўртта учрашув ва суҳбатлар уюштирилди. Жойларга 260 тадан ортиқ реклама, панно ва шиорлар ўрнатилди.

Корхона ва ташкилотларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтаётган тадбирларда қоидабузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари атрофлича муҳокама этилаётир. Ҳайдовчиларга йўлларда транспорт воситалари кўпайиб бораётгани, автомобиль бошқарувида бир зум бўлса-да чалғимаслик, бошқача айтганда, доимо кўз йўлда, қўл рулда бўлиши зарурлиги тушунтирилмоқда.

Ташкил этилган ўн тўққизта махсус гуруҳ томонидан ўтказилган юздан зиёд рейд давомида 5 минг 422 қоидабузарлик маълум бўлди. Улар орасида транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган 120, тегишли ҳужжатларсиз рулга ўтирган 268, тезликни оширган 632, чорраҳадан ўтиш тартибини бузган 94, хавфсизлик камарини тақмасдан ҳаракатланган 1 минг 320 нафар ҳайдовчи бор.

Бундан ташқари, одам ташиш қоидасига амал қилмаган 912, автомобилни қоидага зид ҳолда қайта жиҳозлаган 94 нафар фуқарога нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Бу каби ҳолатларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли ташкилотлар раҳбарларига, ҳокимликларга тақдимномалар жўнатилди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

**Фаррух ЭРГАШЕВ,**
**вилоят ИИБ ЙҲХБ матбуот гуруҳи катта инспектори.**

Эълон

Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси, Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш, қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бўлими давлат солиқ бош инспектор-тафтишчиси Давлатов Баҳодир Бабақуловичга тегишли бўлган ТУ-4358 рақамли хизмат гувоҳномаси ҳамда Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи 15-сонли махсус гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# ФАРЗАНДИМ, ШАКАР-ҚАНДИМ...

*Аллақайси замонда бир темирчи ўтган экан. Унинг яккаю ёлғиз ўғли қўшни қишлоқдаги мадрасада савод чиқараркан. Темирчи гузар ёнидаги устахонасида шу ерлик аҳолининг, деҳқону қассобнинг кундалик буюртмаларини бажарар, ҳар куни иши бошидан ошиб ётишига қарамай, жиндай қўли бўшаганда дўкон оғзини наридан бери ёпаркану, мадрасага чопаркан. Ўғлини кўриб, пешонасидан бир ўпиб қўйгач, қўлига бир дона олма тутқазиб, хотиржам бўлиб изига қайтаркан.*

Уққанга балли

Бир куни устахонасида иши ҳаддан зиёд ортиб кетган темирчи ўз одатига кўра, мадрасага бирров бориб келишнинг уддасини қилолмабди. Шунга қарамай, иши битиб, кетишга чоғланган мижозларидан бирига илтимос қилибди:

– Биродар, билсангиз, қўшни қишлоқ мадрасасида ўғлим ўқийди. Худонинг берган куни шу илмгоҳга болагинамни кўргани бориб, бир дона олма билан меҳмон қилиб келаман. Бўлмаса, кечгача соғиниб, ичикиб қоламан. Хаёлим тўзиб, ишим унмайди. Бугун юмушим кўпайиб кетди, боролмайдиганга ўхшайман. Ўғлим бечора мени кўзи тўрт бўлиб кутаётгани аниқ. Сизга бир омонат илтимосим бор, йўлингиз бўлса, мана шуни ўғлимга бериб келсангиз.

Темирчи шундай деб мижозининг қўлига бир дона олма тутқазибди. Омонатни олгач, мижоз сўрабди:

– Олмани элтиб беришга берарман, аммо, ўғлингизни танимайман-ку?

Темирчи "дарвоқе" дегандек, ҳиёл кулимсирабди.

– Ўғлимнинг исми Имрон. Шундай деб чорласангиз, ўзи чопқиллаб келади. Яна ҳам адашмаслигингиз учун айтиб қўяй, бизнинг фарзандимиз бир мадраса ўспириннинг орасида шубҳасиз, энг кўрками, энг зуккоси ва энг одоблиси бўлади.

Мижоз темирчига негадир киноямуз табассум билан нигоҳ ташлабдию, кетмонини елкасига илганча, олмани қўйнига солиб жўнабди.

Темирчи кечга яқин ҳориб-чарчаб уйига келса, ўғли аразлаб ўтирганмиш.

– Нега хафа кўринасиз, ўғлим?

– Бугун менга олма олиб бормадингиз-ку, дадажон.

Темирчи ҳаммасига тушунибди. Демак, мижоз ноинсофлик қилган, алдаган, мадрасага бормаган.

– Хафа бўлманг, ўғлим, – юпатибди темирчи. – Эртага иккита олма олиб бораман.

Иттифоқо, эртасига темирчи дўконининг оғзини очиб, сандонни тақирлатиб ўтирса, худди ўша мижоз мўралаб қолибди. Темирчи гинахонлик қилиб, кечаги алдовидан қаттиқ ранжиганини айтибди.

– Сиз олмани Имрон исмли, мадрасадаги энг кўркам, энг зукко, энг баодоб болага беринг, дебмидингиз, – сўрабди мижоз. – Мен худди шундай қилдим. Негаки, менинг ўғлим ҳам худди шу мадрасада ўқийди, унинг ҳам исми Имрон. Маъзур тутсинларким, толиби илмлар ичинда ўз ўғлимдан кўркам, зукко ва одоблисини топа билмадим...

**М. АЪЛО тайёрлади.**



### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 12 август куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Шамолнинг тезлиги баъзи жойларда секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Семинар

# ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛ, МАҚСАД ЯГОНА

*Айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг жойларга етиб боришини таъминлаш оммавий ахборот воситалари ижодкоридан тезкорлик, холислик билан бир қаторда фидойилик, касбий маҳорат ҳамда тажриба талаб этади.*

Бинобарин, бугунги шиддаткор ахборот асрининг ўзи матбуотнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган бир қатор муҳим ва устувор вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

Шу ва шу каби фикрлар вилоят журналистларининг Оққўрғон тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган навбатдаги анъанавий семинарининг асосий мазмунини белгилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 августдаги мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва уларнинг рўёбга ошишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган анжуманда соҳа мутасаддилари, вилоятда чоп этилаётган даврий нашрлар муҳаррир ва журналистлари ҳамда вилоятдаги матбаа ваноширлик корхоналари мутасаддилари иштирок этишди.

Вилоят ҳокимлиги, матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда вилоят журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Оққўрғон овози" газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда сўзга чиққан Республика Матбуот ва ахборот агентлиги масъул ходими Муҳиддин Омонов, мазкур агентликнинг ҳудудий бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева, Ўрта Чирчиқ тумани "Машъал" газетаси бош муҳаррири Толиб Ҳакимов, "Бўстонлиқ овози" газетаси бош муҳаррири Манзура Алиохунова ва бошқалар Президентимизнинг ижодкорларга, хусусан, оммавий ахборот воситалари вакилларига билдираётган юксак ишончи, соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг аҳамиятига ўз муносабатларини билдириб, маҳаллий нашрлар олдида турган долзарб масалалар, улар эришаётган ютуқ ва камчиликлар, шунингдек, таҳририят ишини ташкил этишда ҳуқуқий муносабатларнинг бугунги аҳволи ҳақида атрофлича тўхталдилар.

Шунингдек, семинар доирасида вилоятда фаолият юритаётган "Наврўз" нашриёти томонидан яқинда чоп этилган, таниқли ёзувчи Ўрозбой Абдураҳмонов қаламига мансуб "Орол қандай қуриди?" китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Тақдимотда мунозарага киришган ижодкорлар мазкур китоб юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш асносида бугун мамлакатимизда аҳолининг китобхонлик даражасини ошириш, ёшларнинг адабий-бадиий асарларга қизиқишини кучайтириш орқали уларнинг онги ва тафаккурини юксалтиришда ибратга молик ишлар олиб борилаётганини таъкидлаб, "Наврўз" нашриётининг бу борадаги интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватладилар.





*Нодирбек ТОҲИРОВ олган суратлар.*

Шанба сабоқлари

# «ТЎЙЧИБОЙ»

Тўйчибой тўй қиладиган бўлди: суннат тўй...

"Сабзи тўғрар"га келган маҳалла оқсоқоллари: "Юз кило гуруч дамлаш шартми, ўзингизни қийнамай қўя қолинг", деган эди, астойдил хафа бўлди:

– Нима, мен одаммасманми? Ўзимга яраша орзу-ҳавасим бор, улфатларим бор... Мен ҳам юртнинг ошини еганман...

...Шундай бўлди... Юз кило эмас, юз йигирма кило ош дамланди...

Тонг отмасдан ҳофизлар хониш қилди... Гурас-гурас одамлар келди...

Тўйчибой "юз йигирма кило ошнинг тагида бир капгир қолмаганини" гапириб юрди...

...Икки ҳафталардан кейин уйида "қий-чув" бўлиб қолди. Ўзи бақирган, хотини додлаган...

Ҳарқалай, қўшни... Чиқдим.

Қарасам, Тўйчибой ток сўри тагида турибди. Кўзлари бежо.

Нуқул бир гапни такрорлайди: "Ўзимни ўлдирсам қутуламанми? Ўлиб кетсам қутуламанми, санлардан?!"

Янга нарироқда шумшайиб турибди.

– Тўй қиламан деб бўғзимгача қарзга ботдим! – деди қўшним чинқириб. – Мени хонавайрон қилмоқчимисан?!.. Ўзимни ўлдириб қўя қолай!..

Янга мени кўриб бир қадар таскин топди, шекилли, эрини юпатди:

– Қўйинг, дадаси, ўзингизни босинг... – Кейин айвон томонга қараб мушт дўлайтирди. – Сан, қиз ўлгурга қачон ақл киради-а?! Ман буни нонга чиқарсам, китоб обкебди!.. Ҳаҳ, ўша санга китоб ўқишни буюрган ўқитувчингнинг уйига ўт тушсин! Саккиз минг сўмгаям китоб оладими, жувонмарг?! Китоб санга ош билан нон бўлармиди, ер ютгур!

...Қўшнимнинг еттинчими, саккизинчими синфда ўқийдиган қизига энди кўзим тушди.

Қизалоқ айвон устунига суяниб турар, кафти билан юзини тўсганча, унсиз, ўкиниб-ўкиниб йиғлар эди...

Индамай, чиқиб кетдим.

...Ростини айтсам, умримда биринчи марта... ўзбек бўлганимга уялдим...

*Ўткир ҲОШИМОВнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китобидан олинди.*

Партиялар ҳаётидан

*Халқ демократик партияси вилоят кенгаши Президентимизнинг "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак" номли маърузасидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.*

# ФАОЛИЯТ ҒАЛВИРДАН ЎТКАЗИЛДИ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари масъул ходимлари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари, "Ногиронлар" жамияти вилоят кенгаши ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Йиғилишда сиёсий партияларнинг фаолиятига нисбатан билдирилган танқидий фикрлар чуқур ўрганилиб, муҳокама қилинди.

Ўтган давр мобайнида партия электорати бўлган кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Аммо, партия сайловолди дастуридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилган. Жумладан, партия электорати бўлган пенсионерларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, ногиронларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, "Мурувват", "Саховат", "Меҳрибонлик" уйлари фаолиятини янада сифатли ташкил этиш, пенсионерларни дори-дармон билан таъминлаш, уюшмаган ёшлар масаласи, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар самараси сезилмаяпти.

Шундан келиб чиққан ҳолда, йиғилишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, долзарб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича партиянинг позициясини мунтазам равишда билдириб бориш энг муҳим вазифалардан эканлиги алоҳида қайд этилди.

– Ҳақиқатан ҳам партиямиз электорати бўлган аҳолининг кам таъминланган қатлами, ногиронлар ва вақтинчалик иш билан банд бўлмаганларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича қилган ишларимиз бугун тизимли амалга оширилмаганлиги аниқ бўлиб қолаяпти, – деди Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиянинг гуруҳ аъзоси Музаффар Саидкаримов. – Айрим шахсларга ёрдам кўрсатибгина эмас, балки, умумий муаммонинг илдизини топишга, уни ҳал қилишга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман.

Анжуманда ногиронлар ҳаёти билан боғлиқ муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишга қаратилган қўшма келишув битими имзоланди. Мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

# БОЛАЛАР ҚАЛБИ ҚУВОНЧГА ТЎЛСИН




*Ёз болаларнинг севимли фасли. Айниқса, оромгоҳларда ҳордиқ чиқариш, турли танлов ва викториналарда қатнашиш, спорт ўйинларини ўйнаш, чўмилиш ўғил-қизларга ўзига яраша қувонч бахш этади. Ҳатто, оромгоҳда китоб ўқиш, мутолаанинг ҳам гашти бўлакча.*

Бўкадаги 15-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам ушбу муассасанинг Бўстонлиқ тумани Сижжак қишлоғидаги "Камалак" ва "Янги авлод" мослаштирилган оромгоҳларида ёзги таътилни мароқли ўтказишмоқда.

Дам олдириш тадбирларига жалб қилинган болалар оилавий гуруҳларга бўлинган ҳолда, белгиланган кун тартиби асосида ҳордиқ чиқармоқда.

Ҳар икки оромгоҳда ўғил-қизларнинг таътилини мазмунли ўтказиш мақсадида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маданий-маърифий тадбирлар, танловлар, бадиий кечалар, халқ ўйинлари, спорт мусобақалари, чўмилиш, расм чизиш машғулотлари ўтказилмоқда.

– Биз ўзимиз ёқтирган эртак қаҳрамонлари иштирокида томоша кўрсатишни яхши кўрамиз, – дейди Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Умида Исломбекова. – "Бўғирсоқ", "Зумрад ва Қиммат", "Етти эчки боласи", "Лайлак ва турна", "Шолғом" каби эртаклардан саҳна кўринишларини намойиш қилдик.

Оромгоҳларда болаларнинг маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, билимини ошириш мақсадида турли мавзуларда суҳбатлар, китобхонлик тадбирлари уюштирилаяпти.

**Ўз мухбиримиз.**

Спорт

*Халқимиз энг улуғ, энг азиз байрам – мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллигини нишонлаётган вақтда бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари йилнинг энг нуфузли мусобақаси – жаҳон чемпионатида иштирок этаётган бўлади.*

# ВАТАН, ДЕБ ТУГИЛСА МУШТ...



25 августдан 2 сентябрга қадар Германиянинг Гамбург шаҳри мезбонлик қиладиган ушбу беллашувларда дунёнинг кўплаб давлатларидан энг кучли чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун рингга чиқади.

Ўзбекистон – жаҳон чемпионатида тўлиқ таркиб, яъни ўн нафар боксчи билан иштирок этадиган Осиё қитъасининг ягона вакили ҳисобланади. Германия рингларида мамлакатимиз шарафини Ҳасанбой Дўсматов, Жасурбек Латипов, Муроджон Аҳмадалиев, Элнур Абдураимов, Иқболжон Холдоров, Шаҳрам Ғиёсов, Исроил Мадримов, Бектемир Меликўзиев, Санжар Турсунов ва Баҳодир Жалолов ҳимоя қилади. Улардан беш нафари Чирчиқ олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиларидир.

– Истиқлолимизнинг 26 йиллиги арафасида бўладиган дунё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бизга қўшимча куч бағишлайди, ғалабага руҳлантиради, – дейди бўстонлиқлик боксчи Элнур Абдураимов. – Чунки, биз мустақиллик фарзандларимиз. Гамбургда ҳам фақат ғалаба учун рингга чиқамиз ва жаҳон чемпионати медалларини халқимиз кенг нишонлаётган байрамга туҳфа қилишни қалбимизга тукканмиз.

Бош мураббий Марат Қурбонов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси боксчилари жаҳон чемпионатига тайёргарликнинг дастлабки икки босқичини вилоятимизнинг сўлим гўшаси – "Янгиобод" спорт базасида ўтади. Мусобақа олдидан сўнгги ўқув-машғулот йиғини Германияда ўтказилмоқда.

Ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари бокс бўйича жаҳон чемпионатлари давомида бешта олтин, ўнта кумуш ва ўн бешта бронза, жами 30 медаль жамғариб, дунё рейтингида ўнинчи поғонада бормоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**




**Асаб толаларини тиклаш бўйича тадқиқот олиб борган олимлар ажойиб янгиликка дуч келди. Янги топилма "асаб толалари тикланмайди", деган хулосани йўққа чиқарадиган бўлди.**

## ЎРГИМЧАК... АСАБ ТОЛАЛАРИНИ УЛАЙДИ



Аниқланишича, ўргимчак тўри асаб толалари ўрнини босиши мумкин экан. Ҳозирга қадар ўргимчак ипагидан чолғу асбоблари тори ёки газламалар тайёрлангани бор гап. Энди уни тиббиётда ҳам ишлатиш йўли маълум бўлди.

Гап шундаки, пластик ва қайта тиклаш жарроҳлигида беш сантиметрдан ортиқ узунликда узилган асабларни бириктириш энг мураккаб жараён ҳисобланади. Одатда, жарроҳлар бундай вазиятда имплантантлардан фойдаланади. Бироқ, бу усул узунлиги тўрт сантиметргача бўлган қисмларда ва периферик асаб тизимида иш беради.

Жиддий шикастланишларни даволашга ёрдам берувчи усулларни доимий равишда қидириб келаётган Вена тиббиёт университети мутахассиси Кристин Радтке узилган қисмларни тўлдиришга Танзанияда учрайдиган тилла ўргимчакнинг ипаги қўл келишини маълум қилди.

Бу ипак мустаҳкам ва эластик, Цельсий шкаласи бўйича 250 даражада ҳам сифатини сақлаб қолади. Шунингдек, тилла ўргимчакнинг ипаги антибактериал хусусиятлари билан ҳам диққатга сазовор ва у сув ўтказмайди.

Кристин Радтке асаб толаларини тилла ўргимчак ипаги билан улаш имконини берувчи янги микрожарроҳлик усулини ишлаб чиқди. Австриялик мутахассислар келажакда янги технологияни одамларда синаб кўришни режалаштирмоқда. Клиник синовлар муваффақиятли якунланган тақдирда, усул нафақат асабларни даволаш, балки тизза бўғими, пай шикастланиши, чуқур куйишлар ва баъзи неврологик хасталиклардан сўнг тикланиш учун қўлланилиши мумкин.

## ДИНОЗАВРЛАРДАН ҚОЛГАН «МЕРОС»



**Дрексель университети олими Ричард Маккорт узоқ йиллик изланишлардан сўнг қадимий сув ўти ҳозир ҳам мавжуд эканини аниқлади.**

Гап шундаки, динозаврлар даврида йўқолиб кетган, деб ҳисобланган "Lychnothamnus barbatus" номли сув ўти ҳамон табиатда борлиги яқингача номаълум эди.

– Биз атрофимиздаги дунё ҳақида кўп нарсаларни билмаймиз, – дейди Ричард Маккорт. – Қадимий сув ўти – "Lychnothamnus barbatus"нинг яшаб қолгани Шимолий Америка ўсимликлар дунёси ҳақидаги тасаввуримизни бутунлай ўзгартириб юборди ва бизни янги кашфиётларга илҳомлантирмоқда.

Сув ўтлари намуналари 2012-2016 йиллар давомида 14 та кўлдан олинган. Бироқ, ўшанда тилга олинган сув ўтининг кўриниши олимлар учун қоронғу эди. Чунки, унинг ягона нусхаси тош шаклида сақланиб қолган.

"Lychnothamnus barbatus" узунлиги 30 сантиметр бўлган жуда ноёб ўт ҳисобланади. У ўзига хос кўринишга эга. Шунга қарамай, олимлар бу сув ўтининг узоқ йиллар давомида эътибордан четда қолганидан ҳайрон.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Электрон почта:** thaqiqat@umail.uz

**Телефонлар:**

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-58-85 (факс) |
| Бош муҳаррир ўринбосари: | 233-70-10 |
| Масъул котиб: | 233-79-96 |
| Бўлим муҳаррирлари | 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-81-21, 233-65-59 |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10 |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Назоратчи мусаҳҳиҳ **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-9763. Адади 7 063. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.15.